



ASR

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru

2019-YIL 31-OKTYABR, PAYSHANBA, 43 (833)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Сайлов оstonасида

Ўзбекистон Президентининг Туркменистон Президенти билан телефон орқали мулоқоти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари қардош Туркменистон халқига жорий йил 10-11 октябрь кунлари Ашхободда ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистоннинг МДҲдаги раислиги муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор табриклади.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар нуктаи назаридан халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги вақт синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, аввало, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам

асос бўлаётгани қайд этилди.

Томонлар ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви бундан буён ҳам фаол кенгайтиришга тайёригини билдирдилар.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ва бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиёти ва равнақи йўлида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш борасида қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА

Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръатлари халқаро рейтингларда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 21 июлдаги “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индексларда муносиб ўрин эгаллашида муҳим омили бўлмоқда.

Хусусан, 2018 йил якунларига кўра, “Fitch Ratings” ва “Standard&Poor's Global Ratings” халқаро рейтинг агентликлари суверен кредит рейтингига мамлакатимизга илк бор барқарор прогноз “BB-” рейтингини берди. “Fitch Ratings” жорий йилги сўнгги ҳисоботида Ўзбекистон суверен кредит рейтингига яна бир бор “BB-” даражасида эканини тасдиқлади.

2018 йил 30 октябрь – 2 ноябрь кунлари “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” вакиллари мамлакатимизга келган эди. Ташриф доирасида халқаро кредит рейтинг агентликлари экспертлари мамлакатимиз вазирлиги ва идоралари, шунингдек, хусусий

сектор вакиллари билан учрашиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, ижтимоий-иқтисодий ва қонунчилик соҳаларидаги ўзгаришлар бўйича тақдиротлар қилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан маълум қилишларича, эндиликда “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” халқаро кредит рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини ҳар ярим йилда қайта кўриб чиқади ва ҳисобот тақдим этиб боради. Шу билан бирга, ҳар ярим йилда рейтинг агентликларининг Ўзбекистон Республикаси вазирлиги ва идоралари билан конференциянинг ҳамда йилда бир марта учрашувлари ташкил этилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингини баҳолашда қандай омиллар ҳисобга олинганига эътибор қаратсак.

“Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” ҳисоботларида қайд этилишича, мамлакатимизнинг ташқи қарзи нисбатан паст даражада (2019 йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг ташқи қарзи 13,1 миллиард АҚШ доллари ёки ЯИМга нисбатан 23,5 фоизни ташкил этган). Аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, бу фуқароларнинг катта қисми меҳнатга лаёқатли ёшда деганидир.

Яна бир омили – Ўзбекистон “BB” кредит рейтингига эга мамлакатлар орасида барқарор ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб турибди.

Шу билан бирга, агентликлар мамлакатимиз суверен кредит рейтингини янада ошириш бўйича ўз тавсияларини ҳам берган. Уларга кўра, Ўзбекистонда аввало макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни сақлаб турган ҳол-

да 2020 – 2022 йилларда жадал иқтисодий ўсиш суръатларини кўллаб-қувватловчи омилларни кучайтириш керак бўлади.

Бугунги кунда жажоҳда 160 дан зиёд халқаро рейтинг ва индекслар мавжуд. Улар иқтисодий муносабатлар, мамлакатларнинг халқаро имоҳи ва инвестициялар оқимига таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” суверен кредит рейтингларида барқарор прогнозли давлат сифатида эътироф этилиши мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганини аълатлади. Зеро, иқтисодий ўсиш, бир томондан, ялпи маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига олиб келса, иккинчи томондан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузи ошишига хизмат қилади.

Маҳолат ҲУСАНОВА,
ЎЗА мухбири

Янги Ўзбекистон феномени (2-мақола)

Бугун биз мутлақо Янги Ўзбекистон барпо этилаётган, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари янгиланаётган, халқимизни юксалиш сари етаклаётган Ҳаракатлар стратегияси самарали амалга оширилаётган замонда яшаймиз. “Юксалиш” ғояси қарийб ўттиз йилдан буён мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон жамиятининг бугунги куни, янги тараққиёт босқичининг мақсад-муддаоларини яққол ва яхлит ифода-лайди. Айни пайтда у мамлакатимизда кейинги йилларда кенг қулоқ ёйган ислохотларнинг пировард натижаларига эришишнинг самарали йўллари ва имкониятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Хўш, O'zLiDeP назарида ушбу ғоянинг асп мазмун-моҳияти, таянч парадигмалари ва устувор тамойиллари нималардан иборат? Унинг миллий биқиклик ва миллий маҳдудлик, протекционизм ва изоляционизм учун асос бўладиган баъзи сароб ғоялардан фарқи нимада? Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда нима-ларга алоҳида эътибор қаратиш лозим?

Таъкидлаш жоизки, “юксалиш” тушунчаси фалсафий маънода муайян халқ ёки давлат ўз тараққиётининг бир даврдан иккинчи даврига ўтиши ёки жамиятдаги умрини ўтаб бўлган тушунча ва тамойиллар, амалий фаолият мезонлари, баъзи тартиб-қоидалар ҳамда эскирган ижтимоий муносабатларнинг таянч парадигмаларини замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш ва ривожланишнинг янги босқичига эришиш жараёнини ифода-лайди. Инсониятнинг кўп асрлик таърибасига кўра, ҳар бир мамлакатнинг бу жабҳада танлаган ислохотлар стратегияси ўзига хос бўлиб, бошқа бир давлатнинг юксалиши учун айнан мос келмайди.

Айни пайтда, ушбу соҳада ҳам умумий қонуниятлар, асосий парадигмалар ва устувор тамойиллар шаклланиган. Шу маънода қадимги дунёнинг доно файласуфларидан бири Конфуцийнинг “Юксалиш – эзгу мақсад, барқарорлик – унга эришишнинг шарт-шароити, ислохотлар эса уни таъминлашнинг асосий воситасидир” деган фикри ҳар қандай янги тараққиёт даврига ўтишнинг мазмун-моҳиятини лўнда ифода-лайди.

“Юксалиш” тушунчасига бир қатор ибораларни қўшиб ишлатиш таърибаси ҳам бор. “Иқтисодий юксалиш”, “Ижтимоий юксалиш”, “Маънавий юксалиш”, “Маданий юксалиш” кабилар ана шу асосда шаклланиган. Масалан, Франция, Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг II Жаҳон урушидан кейинги ривожланиши учун асос бўлган ва XX аср ўрталаридан бошланган тараққиёт стратегияларида иқтисодий юксалиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилгани маълум.

Хорижий экспертлар фикрига кўра, “юксалиш” тушунчасига “миллий” ибораси қўшиб ишлатилганда муайян халқ ёки бирор давлатнинг ўзига хос хусусиятлари асосида

ривожланаётгани аълашлади. Фарқлаш лозимки, миллий биқиклик ва миллий маҳдудликнинг натижаси бўлган “протекционизм” ва “изоляционизм” билан боғлиқ ғоялар эса муайян мамлакатнинг ўз қобилига ўралгани ҳамда ташқи дунёдан ажралиб қолганини билдиради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларини чуқур ўрганиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, бугун мамлакатимизда “Юксалиш” ғояси аҳолининг барча қатламлари, ҳамма сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг умумий манфаатлари ва муштарак мақсадларини ифода-ламоқда. O'zLiDeP назарида ҳам бу ғоя юртимизда яшаётган барча кишиларнинг эзгу мақсад-муддаоларини акс эттиради ва Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини таъминлашга бел боғлаган умумхалқ ҳаракатининг бош шioriга айланган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Одилоно қонунлари қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир”, “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун қўриши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” каби ҳикматларда “Юксалиш” ғояси таянч парадигмаларининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Улар жамиятимиз ҳаёти, халқимиз қалби ва онгидан чуқур жой олди, бутун мамлакатимиз, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз бўлса, ғоявий ўзаги ва маънавий таянчига айланди. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомилан янги тизимга асос солингани ва бунинг халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётгани эса ушбу жараёнинг самарали амалга ошаётганидан далолат беради.

3

Фото-фелъетон

Дарвозасиз ҳам бозор бўладими?!



Бўлар экан-да! Яна қаерда денг, Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳри марказида. Узоқ йиллардан бери бу гўзал ва жаннатмонанд гўшада деярли кўзга кўринарли иншоот, бино ёки замонавий уй-жойлар қурилмагани рост. Кейинги уч йил орасида эса бу мўъжазгина шаҳар улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Йил ўн икки ой гавжум ва тирбанд кўчалар кенгайди (гарчи бирор асрга бўйлашмоққа даъвогар улкан чинорлар кесилган бўлса-да), икки-уч қаватли муҳташам савдо-сотик ва маданий-маиший бинолар қад кўтарди, қўйингки, мақтанса арзигулик ўзгаришлар қилинди.

Китоблик дунё кўрган оқсоқоллардан бири, 84 ёшли Самад бобо Алиевнинг изоҳ беришича, таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов, қолаверса, мустақилликнинг илк йилларида Биринчи Президент Ислам Каримов ҳам Китоб деҳқон бозорини кўриб, бу ажойиб манзилни янада обод қилиш ҳақида тегишли маслаҳат, кўрсатмалар берган экан. Не тонгки, бу ерда жуда қисқа, атиги икки йил орасида олиб борилган жуда катта ҳажмдаги қурилиш, айтиш керакки, ўзига хос бурилиш десак арзирли ишлари ҳам бевосита давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси туфайли амалга оширилди.

AJ O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI
AJ "O'ZTEMIROYO'LYO'LOVCHI"

Qulay, tez, ishonchli

Тезйорар поездлар кўнидаги йўналишлар бўйича:

Тошкент Андижон йўналишидаги №062/061/060/059, № 097 / 096,091 / 092 поездларига 60 % гача чегирмалар
6 кундан 45 кунгача 60 %
2 кундан 5 кунгача 20 %

Тошкент - Шавкатиёв йўналишидаги №01/002 поездига 60 % гача чегирма
6 кундан 45 кунгача 60 %
2 кундан 5 кунгача 20 % чегирма

Тошкент-(Марказий) – 1005
Тошкент (Жанубий) – 71-236-45-20

Ушбу 80-225-61-11 / Шавкат 80-345-17-90 / Хўш 80-375-22-21
Нукус 81-223-28-58 / Қўшқон 73-543-17-33
Марғилон 73-237-57-28 / Андижон 74-228-42-85

Термиз 78-227-03-30 / Гулистон 87-225-38-12 / Жезказган 72-222-05-17
Навоий 88-225-59-07 / Қарша 79-227-24-65
Самарқанд 85-880-01-42 / Бўхоро 85-584-73-32

www.RAILWAY.UZ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган йўналишлар, айниқса, эркин бозор талабларига мос равишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш масалалари бугунги фаолиятимизда устувор аҳамият касб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳада узоқ муддатга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Аграр ислохотларнинг муҳим босқичи ёхуд пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлат иштирокидан аста-секин воз кечилиши хусусида

Шу маънода, Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони аграр ислохотларни мантиқан янги босқичга олиб чиқди, десак муболага бўлмайд.

Тасдиқланган стратегияга асосан, биринчидан, аҳолини барқарор нархлардаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, фермерларга маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилиш, шунингдек, бозор танлашда босқичма-босқич тўлиқ эркинлик берилса, иккинчидан, соҳа бошқарувида давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилади, ер ресурсларидан фойдаланишнинг замонавий тизимлари жорий этилади. Учинчидан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситалари қўлланилади. Шу билан бир қаторда қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ҳамда тармоқ статистикасининг очиқ ва шаффоф тизимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Пировард натижада ер ажратиш ва уни олиб қўйишда шаффофлик тамойили устуворлик қилади ва ер участкалари бўлган ҳуқуқнинг ҳақиқий бозор нархи шаклланади. Энг муҳими, ҳудудлар қишлоқ хўжалиги экинларига ихтисослаштирилиб, пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлат иштирокидан аста-секин воз кечилади. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатишнинг раёбатга асосланган

бозор механизмлари қарор топади ва ўртача меҳнат унумдорлиги 1,7 баробар ошади. Бу эса бозорларимиз юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига хизмат қилади.

Албатта, Президентимиз имзолаган ушбу ҳуқуқий ҳужжат ислохотларнинг янги босқичида ҳалқимиз турмуш даражаси юксалиши, тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари даромадларини ошириш йўлида ўз вақтида қўйилган ҳаётий қадамдир. Мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар айтилган пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари томонидан ҳам пухта ўрганилмоқда.

Кези келганда, олдимизда турган яна бир муҳим масала ушбу фармоннинг амалиётга татбиқ этилиши билан бевосита боғлиқлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Жойларда сайловчиларга унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ва мазкур жараён устидан самарали парламент назоратига катта аҳамият қаратиш зарур. Шу мақсадда О'зЛиДеР фракцияси ва бизнинг кўмитамиз томонидан фармоннинг ижросини мунтазам мониторинг қилиш юзасидан изчил чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мухтасар айтганда, фармон билан тасдиқланган тармоқ стратегияси мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узвий таъминлаш баробарида фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига янги имкониятлар эшикларини очди.

Муносабат

Янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида қандай тартиб-таомиллар кўзда тутилмоқда?

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш, оилалар фаровонлигини оширишга қаратилган қатор амалий ишлар bajarилди. Лекин ижобий натижалар билан бирга бу борада ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам талайгина.

Амалдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганга йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди, ундаги қондалар эскириб, бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Масалан, мазкур қонунда меҳнат бозори янги воситалари, яъни тадбиркорликни рағбатлантириш, ўзини-ўзи банд қилиш, шахсий томорқа хўжаликлари ривожлантириш ва ишсизларни касб-хунарга ўқитиш, иш стажини ҳисобга олишда ахборот тизимларидан фойдаланиш каби механизмлар акс эттирилмаган. Шунингдек, жамоат ишлари, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа меъёрлар белгилаб берилмаган. Янги иш ўринларини ташкил этиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш бўйича давлат буюртмаси механизмлари кўрсатилмаган ҳамда иш берувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қондалари киритилмаган.

Бугун тўланиб келинаётган ишсизлик нафақалари ҳамда ишсизларга касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш даврида тўланадиган стипендия ҳажми ва миқдорининг камлиги (минимал миқдори 152 минг сўм) иш қидириш даврида ишсизлар эҳтиёжларини қопламапти. Қолаверса, кейинги 20 йил давомида меҳнат бозорига жиддий ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробарга (8,8 миллиондан 13,5 миллионгача) кўпайди, иш берувчилар сони эса 4,5 баробарга (203,2 мингдан 928,9 минггача) ортди.

Юқорида баён этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид



Мавлуда ХУЖАБЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Меҳнат муносабатлари: ўзгариш ва янгиланишлар

давлат дастурига асосан янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ишлаб чиқилди. Лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатда лойиҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳам йиғилиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этилди.

Шу йилнинг 16 октябры куни мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли тартибда Қонунчилик палатасига киритилди ва биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳасининг асосий жиҳатлари шундаки, у тўғридан-тўғри амал қилувчи хусусиятга эга бўлиб, 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича қабул қилинган 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни ўзидан жамлаган. Қонун лойиҳасида бандлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, йўналишлари ва воситалари аниқ очиб берилган. Тегишли моддаларда бандлиқни таъминлашда хусусий бандлик агентликлари иштироки, янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш, жамоат ишлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгалари, микрокредитлаш дастурларини молиялаштириш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш тартиблари белгилаб берилган.

Лойиҳада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларнинг бандлик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, бандлик дастурларини шакллантириш, меҳнат бозорини баҳолаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолини ишга жойлаштиришдаги ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, тўлдирилган ва кенгайтирилган. Шунингдек, банд бўлмаган аҳолини ҳисобга

олиш ва рўйхатдан ўтказиш, фаол иш қидиравган ишсизларга нафақа тайинлаш ва тўлаш шартлари батафсил, ҳаволаки нормаларсиз баён этилган.

Алоҳида янги бобда фуқароларнинг чет элларда ишлаш ҳуқуқи, чет элда ишлаш тартиби, меҳнат мигрантларига оид кенг қамровли маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг кетишдан олдинги тайёргарлиги, мониторинги ва моддий ва ижтимоий ҳимояси каби бандлиқнинг комплекс масалалари қатор моддаларда акс эттирилган.

Қонун лойиҳасида қайд этилганидек, иш билан таъминлашнинг самарали ва иштибоқли йўналишлари – касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш миллий тизими, ишга жойлаштириш, иш стажини ҳисобини юритиш, меҳнат дафтарчалари ва шартномаларини электрон ҳисобини юритишнинг назарда тутувчи "ягона миллий меҳнат тизими" дастурий комплекси жорий этилмоқда. Уларнинг амалга татбиқ қилиниши бандликни таъминлашнинг зарурий шартини ҳисобланади.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнлари қизгин давом этмоқда. Ўйлаётганимиз, бу қонун меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни қонуний ҳал қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга тааллуқли ишларнинг самардорлигини ошишига хизмат қилади.

Яна бир янги кодекс ишлаб чиқиш фурсати етди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида ташкил этилган навбатдаги давра суҳбаtida шу ҳақда маълум қилинди.

Барчамизга яхши маълумки, яқинлашиб келаётган сайловлар олдиндан партия Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция қиритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш, саноатнинг юқори технологияли тармоқларига тўғридан тўғри хорижий сармоялар жалб қилинишини рағбатлантириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат юритилиши тарафдори эканини таъкидлаб келмоқда.

Мулоқотни қисқача кириш сўзи билан очган О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Якубовнинг фикрича, қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит – барқарор ривожланиш ҳариди. Шундай экан, тадбиркорликка тўсқинлик – давлат сиёсатига тўсқинлик сифатида қаралиши керак.

– Энг муҳим вазифамиз – Ўзбекистоннинг "Бизнесни юритиш", глобал рақобатбардошлик (GCI), инновациялар (GII), сано-

атнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 та мамлакат қаторидан ўрин эгаллашига эришишдир, – деди у. – Партия, жумладан, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи юзлаб қонун ҳужжатлари мавжудлиги ҳамда давр талабларини инобатга олиб, бизнес юритишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида ягона Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурмоқда.

Хўш, бунга эксперт ва мутахассислар, амалиётчи тадбиркорларнинг ўзлари қандай фикр билдиришади? Ташкил этилган давра суҳбатининг асосий мақсади ана шу саволга аниқ жавоб топишдан иборат бўлди.

Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари Шароф Ражаббоев, Банк-молия академияси инвестициялар кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди Эркин Эргашев, Савдо-саноат палатаси масъул ходими Ажинияз Сейтиков, Тошкент молия институти доценти Малоҳат Эрханова ва бошқалар Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, хорижий



давлатларнинг бу борадаги тажрибасини танқидий ўрганиш, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича амалдаги ҳолатни унификациялаш масалаларига тўхталишди.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 2017 йилнинг 1 январидан 2019 йилнинг 1 октябрга қадар 141,9 мингта кичик бизнес субъекти ташкил қилинган ва уларнинг сони бугунги кунда 323 мингтадан ошган. Бу эса юртимиз аҳолисининг ҳар 100 нафарига атиги биттадан кичик тадбиркорлик субъекти тўғри келаётганини кўрсатади. Агар бу кўрсаткични бошқа давлатлар билан солиштирадиган бўлсак, вазият янада ойдинлашади.

Эътибор қилинг: 1,5 млрд аҳолиси бор Хитойда ҳар 23 нафар, қариб 150 миллион нуфусга эга Россияда ҳар 18 нафар, жами 512 миллион киши истиқомат қилувчи Европа иттифоқи ҳудудига ҳар 17 нафар, 327 миллион одам яшайдиган АҚШда ҳар 9 нафар фуқарога 1 тадан кичик бизнес тузилмаси тўғри келади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-ки-тобидан аниқлашлича, Ўзбекистон юқоридаги кўрсаткичлар бўйича

ривожланган мамлакатлар қаторига етиши учун ҳозирда фаолият кўрсатаётган ихчам корхоналар сонини 5 бараварга кўпайтириши тақозо этилади. Албатта, кейинги пайтларда соҳадаги буйруқбозлик тўсиқларини олиб ташлашга қарама-қарсис равишда таъминлашда ҳақиқатан ҳамда бандлиқни таъминлашда ҳуқуқий ишлар натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби кескин соддалаштирилди. Ҳатто саноқли дақиқалар давомида рўйхатдан ўтиш имкониятлари яратилди. Бироқ фаолиятни амалга оширишда дуч келинаётган муаммоларнинг ҳалигача сақланиб қолаётгани тадбиркорлик субъектларининг "умр"ини қисқартирмоқда.

– Бунинг сабаблари тадбиркорликни амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш жараёнларининг мураккаблиги, сансалорликларнинг мавжудлиги, айрим фаолият турларига рухсат бериш тартиб-таомилларининг қийинлиги билан изоҳланмоқда, – деди О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси бўлим мудири Бахтиёр Рухиддинов. – Тадбиркорликка оид қонунчилик хатловдан ўтказилганда, бугунги кунда 14 мингдан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари айнан шу соҳани тартибга со-

лишга қаратилгани аниқланди. Ушбу ҳужжатлар билан тўлиқ танишиб чиқиш бир томондан вақт муаммосини туғдирса, иккинчидан чалкашликка йўл қўйилиши ҳам эҳтимолга жуда яқин. Демак, соҳани ривожлантириш учун, энг аввало, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва тўғридан тўғри амал қилувчи ягона кодексни яратиш зарурати юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам партияимиз мулкдорлар манфаатларининг ҳимоячиси сифатида Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш таклифини ўзининг сайловолди дастурига киритган.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, янги кодекс нафақат соҳага оид муносабатлар тартибга солинадиган, балки ишбилармон доираларнинг барча ҳуқуқлари ишончли муҳофаза қилинадиган ва узоқ муддат ўзгаришларсиз ишлайдиган яхлит ҳужжат бўлгандагина ўз олдига қўйилган мақсадни оқлайди. Аксинча ҳолатда эса эски ҳаммом, эски тослигича қолаверади.

Озод РАЖАБОВ,
Шухрат РАХИМОВ (суратлар),
"XXI asr" мухбирлари



Очиқлик ва ошкоралик кафолати

Ўзбекистон катта сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига ўтказилган сайловлар арафасида турибди. Сайловлар мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Юртдошларимизнинг онгу тафаккури ўзгарди. Сиёсий онг ва маданият ўсиб бораётгани, жамиятда демократия, очиқлик ва ошкоралик таъминланаётгани янги сайловларда яна бир бор намоён бўлиши шубҳасиз. Таъкидлаш кераки, бу йилги сайловлар яқинда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилади. Ушбу ҳужжатда сайловларни умумий эътироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ўтказишга ҳизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоидалар ўз аксини топган. Илгари амалда бўлган кўплаб чекловлар чиқариб ташланди. Бўлажак сайловлардаги ҳар бир овоз эътиборга олинади ва ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда бевосита иштирок этади. Сайловларда очиқлик, ошқоралик ва шаффофлик амалда кенг таъминланади. Муҳим сиёсий воқеаликка “Янги Ўзбекистон, янги сайловлар” деган шиор танлангани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикасининг янги Сайлов кодекси фуқаролик жамияти институтларининг, хусусан, маҳаллаларнинг сайловларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги ролини сезиларли даражада кучайтирди.

Сайлов кодекси сайловлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда ҳар бир фуқаро ва ташкилотнинг ролини оширишга ҳизмат қилишини алоҳида қайд этиш зарур.

Аввалги қонун-қоидаларга кўра суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайлашни ва сайловда

қатнашиши мумкин эмас эди. Кодексда уларнинг сайлашни мумкин эмаслигига оид норма қолдирилиб, “сайловда қатнашмайдилар” деган жумла чиқариб ташланди. Ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларда сайловда иштирок этиш, яъни сайлаш ҳуқуқи вуқудга келди. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузилишига доир тартиблар Кодекснинг 10 ва 27-моддаларида белгилаб қўйилди.

Ўтган сайловларда фуқароларнинг овоз бериш тартиби чегаралаб қўйилган, яъни сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга фақат битта белги қўярди. Кодексда фуқароларнинг овоз бериш имкониятлари янада кенгайтирилиб, сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга учта белгидан: яъни “+” ёки “-” ёхуд “х” белгисидан бирини қўйиши мумкин.

Имконияти чекланган шахсларнинг сайловга оид конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида Кодекснинг 31-моддасида сайлов бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкинлиги, 49-моддасида жисмоний имконияти чекланган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига юклатилиши, 50-моддасида овоз бериш хоналари ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлқалар назарда тутилган бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Илгари маҳалладан кузатувчилар фақат халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловидагина иштирок этиши назарда тутилган эди. Энди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар барча сайловларда қатнашиши мумкинлиги белгиланди. Бу сайловлар устидан фуқаролик кузатувини, шаффофлиқни таъминлашга, сайлов жараёнига жамоатчилик

ишончи ошишига омил бўлиб хизмат қилади.

Аввал участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади, деб белгилаб қўйиш билан чекланган бўлса, энди Кодекснинг 23-моддасига асосан участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақлиф этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, Сайлов кодексининг 14-моддасида Марказий сайлов комиссияси жамоат бирлашмалари вакиллари билан сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳисоботларини тинглайди ва 15-моддада уларнинг Марказий сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этишини таъминлайди.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон қонунчилигида фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг сайловларни кузатиш ҳуқуқи кафолатланган. Кузатувнинг мақсади – сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан, сайлов кучи овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёниларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Бу эса фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги имкониятларини янада оширишга, вакиллик органлари фаолиятини кенгайтириш орқали давлат ҳокимиятига таъсирини кучайтиришга, очиқлик ва ошқоралиқни таъминлашга хизмат қилади.

Аён бўлаётгани, республикамизнинг ҳар бир фуқароси, шунингдек, ҳар бир ташкилот сайловларнинг очиқ-ошқоралиги ва шаффофлиги таъминланишига муайян ҳисса қўлиши учун ҳуқуқий асос яратилди. Фуқаролар ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, янги парламент ва янги маҳаллий кенгашларни шакллантиришда фаол қатнашишларига ишончимиз комил.

Насимжон АЛИМОВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Кенгаши раиси в.б.

Фармон ва ижро

Бош вазир қабулхонасига мурожаат қилинган...

Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг инновацион йўлини рағбатлантирувчи эркин бозорни шакллантириш, рақобатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг имкониятлар яратиш, монополиянинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш, давлат-хусусий шерикчилик тизимини такомиллаштириш – ҳозирги иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидир, десак муболага бўлмайди. Шунингдек, давлат хизматлари сифатини ошириш, тан олинган халқаро мезонлар ва корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, давлат харидларининг самардорлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳам долзарб масалалар сирасига киради.



Қўриб турганингиздек, кичик ва ўрта бизнес шаклидаги тадбиркорлик субъектлари ушбу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси саналади. Иқтисодиётнинг қайси соҳасини олмайлди, унинг ҳусусий секторис тараққий этишини тасаввур қилиш мушкул. Ишбилармон доиралар вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, яратилган имкониятлардан эмин-эркин фойдаланиши йўлидаги сансалорликларни бартараф этиш пировадида жамият фаровонлиги ва аҳоли турмуш тарзи даражасининг юксалишига хизмат қиладди. Шунинг учун ҳам юртимизда айна жиҳатларга давлат сиёсати сифатида долзарб аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари ташкил қилингани ҳам фикримиз далилидир. Унга мувофиқ, ишбилармонлар, шу жумладан, чет эллик инвесторлар ҳокимликлар, Савдо-саноат палатаси мутасаддилари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастр органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг худудий бўлинмалари вакиллари бевосита иштирокида ҳар

қуни қабул қилиниши белгиланган.

Бу борада Хоразм вилоятида ҳам ички ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборли томони, тадбиркорни қабул қилиш ва мурожаатини шунчаки қайд этиш эмас, балки муаммосини ечиш фаолиятимизнинг асосий мақсади қилиб қўйилган. Реал натижа учун ишлаш таъминли устувордир. Қуйидаги амалий тақдирлар ҳам бунга тасдиқлаш мумкин.

Урганч туманидаги “Yunus Akmalbek” хусусий корхонаси раҳбари Анвар Матякубов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун “Қишлоққурилишбанк”нинг Хоразм вилоят филиалидан 70 миллион сўм кредит ажратишни сўраб мурожаат этгани, лекин банк ҳодимлари “Ҳозир ресурс йўқ”, дея овоза қилиб юрганини билдирган. Урганч туманидаги Бош вазир қабулхонаси ҳодимларининг мазкур масалани чуқур ўрганиши туфайли тадбиркорга ушбу банкдан 6 кун ичида сўралган маблағ ажратиб берилди.

“Туркманлар” маҳалласида яшовчи Дилфуза Бабаниязова 2019 йилнинг май ойидан бери “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича томоғқа ерида иссиқхона қуриш учун кредит ололмай “Халқ банки”га қатнайверган. Мазкур молия муассасасининг Қоровул филиали 2019 йил 3 июнь санаси билан тақдим этган кафолат хатига асосан иссиқхона учун 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит 10 банк иш

қунида ҳисобрақамига ўтказиб берилиши керак эди. Лекин тадбиркор тўрт ойдириш, шу пунли ололмасдан сарсон бўлган. Д.Бабаниязова Бош вазир қабулхонасига мурожаат қилганидан кейингина 5 кунлик муддатда 30 миллион сўмлик кредит олиб берилди.

“MIG & GUATEX investments group” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона директори Ғ.Нурллаев Бош вазир қабулхонасига келганида ушбу қўшма корхонага Урганч туманининг 117-контур худудидан мато ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратилгани, “Ёшлар – келажикимиз” давлат дастури асосида 87 минг доллар миқдорда тўғридан тўғри инвестиция жалб қилингани, Хитой ва Туркиядан асбоб-ускуналар келтирилганини айтди. Лекин қурилиш ишларини амалга ошириш учун тадбиркорга шу ердан ноқонуний фойдаланаётган шахслар тўқсикли қилибди.

Мазкур мурожаат Бош вазир қабулхонасининг аралашуви билан тегишли ҳокимлик ва бошқа масъул идоралар томонидан қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилинган, тадбиркор қурилиш ишларини бошлаб юборди.

Ғафуржон ДАВЛАТОВ,
Бош вазирнинг
Урганч туманидаги
қабулхонаси мудири



Бу борада дунёнинг баъзи халқлари ва мамлакатлари ҳаётида яхши самара бераётган тажрибалар ҳам бор. Масалан, Хитойда Дэн Сяопин 1978 йилдан бошлаб “ислохотлар ҳамда очиқлик” сиёсатини жорий қилгани маълум. Унга кўра, ташқи ҳамкорларга нисбатан “очиқ эшиклар сиёсати” таъминли, иқтисодиётни либераллаштириш, валютанинг эркин конвертацияси ҳамда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг тамал тоши бўлган эди. Мазкур мамлакатнинг ўзига хос тараққиёт стратегияси ва янгиланиш таъминлилари кейинги ўттиз йил давомида Хитойда ялпи ички маҳсулотнинг икки хонали рақамларда ўсишига имкон берди, уни дунёнинг энг кудратли ва бой мамлакатларидан бирига айлантирди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидланган “Бугунги кунда Ўзбекистон жа-

шаҳри (Ёшлар маркази)да ҳам иш бошлаган эди.

Ҳукуматимиз раҳбари ўша даврдаёқ ушбу жаҳоннинг назарий масалалари билан бирга, амалий жиҳатлари ҳамда натижадорлиги билан боғлиқ омиллари ва ҳаётий таъминлиларини назардан қочирмаслик зарурлигига алоҳида аҳамият қаратган эди. Миллий го-яни ўқиш ва ўрганиш, раҳбарлик амалиётида ушбу омилдан самарали фойдаланиш борасида таянч марказнинг вазифаларини бажариш учун “Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” махсус курсини ўқув жараёнига кириштириш ҳақидаги топшириқ ва кўрсатмалари ҳам муҳим аҳамият касб этган эди.

Тўғрисида айтсам, ўзимиз ҳам бундай стратегиялар ҳақида тузукроқ маълумотга эга бўлмаган ўша даврда, ушбу топшириқни бажариш асносида кўп нарсаларни ўргангандик. Мазкур номдаги ўқув курси эса 2005 – 2006 ўқув йили бошланишидаёқ таълим жараёнига жорий этилган ва нафақат таянч марказ, балки у қошида бўлган бош муассас-

Янги Ўзбекистон феномени (2-мақола)

дал ривожланмоқда. Биз ажодларимизнинг доғишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан таъминлини амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”, деган фикр ҳам “Юксалиш” гоёси таянч таъминлиларининг халқаро майдондаги яққол ифодасидир. O’zLiDeP “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” гоёсини бирор-бир партия эмас, балки бутун мамлакатимиз аҳолиси, барча-барчамизнинг умумий мақсад ва манфаатларимизни ифодалайдиган умумхалқ ҳаракатининг асоси сифатида ва кенг маънода талқин қилиш тарафдоридир. Зеро, ушбу гоёнинг мазмун-маъниги ҳам ана шундан далолат беради.

“Миллий” ибораси қўлланган барча ҳолларни бизники дейишга ўрганиб бораётган “Миллий тикланиш” партиясининг баъзи мафкурачилари бу гоёни ҳам фақат ўзлариники деб талқин этаётгани, яъни битта партия шиори сифатида тор маънода тушунаётгани афсусланарли ҳолдир. Улар бундай бир томонлама ёндашув ушбу гоёнинг барча имкониятлари ва умумий хусусиятларини рўёбга чиқаришга ҳалал бериши мумкинлигини эсдан чиқармоқдалар, шекилли.

Бу партиянинг 2019 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий гоёни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармойишига муносабати ҳам ана шундай бир ёқламаорқ бўлган эди. Ушбу ҳужжат эълон қилинганда “Миллий гоё – бизнинг гоё” шиори фақат бизники деган тасаввур оқибатида ниҳоятда кўтаринки руҳни намоён қилган мазкур партия мафкурачилари негадир кейинги пайтларда, фармойиш ижросини таъминлашда ўз ташкилотларининг ҳам масъулиги билан боғлиқ муҳим вазифалари ҳақида сўзлашни унчалик ҳуш кўрмайдиган бўлиб қолишди.

Аслида, Президентимиз миллий гоёни ривожлантириш зарурлигини бугун эмас, балки бундан 14-15 йил илгари чуқур англаган ва бу жаҳада амалий чоралар кўришга киришганди. 2005 йил апрелида Вазирлар Маҳкамаси биносининг олтинчи қаватидида мажлислар залида муҳим йиғилиш бўлиб ўтган эди. Ушанда Шавкат Мирзиёев бизга “Миллий гоё” методологик таянч марказини очил лозимлигини таъкидлаб, ушбу йўналишда зарур ишланмалар, услубий қўлланмалар, аудио ва видео маҳсулотлар, кўргазмалар воситалар мажмуаларини яратиш ҳақида кўрсатма берганди.

Шундай марказ ташкил этилиб, топшириқнинг методик ишланмалар тайёрлаш билан боғлиқ қисми муайян даражада бажарилганидан сўнг, икки ой ўтиб, Ҳукуматимиз раҳбари таянч марказнинг минтақавий бўлинмаларини очил ҳақида ҳам кўрсатма берди. Жойлардаги раҳбарлар ва соҳа мутахассисларининг миллий гоё омилдан самарали фойдаланиш усуллари ва имкониятларини чуқурроқ эгаллаши учун амалга оширилган бу тадбир туфайли Фаргона (политехника институтини босида), Самарқанд (давлат университети), Қарши (давлат университети), Бухоро (давлат университети) ва Нукус (давлат университети) шаҳарларида таянч марказнинг минтақавий бўлинмалари очилган, бир ойдан сўнг эса шундай бўлинма Жиззах

санинг энг асосий таълим йўналишларидан бирига айланганди. Натижада у биринчи модул сифатида ва сентябрнинг дастлабки куниданоқ икки ой давомида энг кўп ҳажмда (120 соат) ўқитиладиган, тингловчилар томонидан бўлажак фаолиятлари учун энг фойдали ҳамда қизиқарли фанлардан бири дея эътироф этиладиган махсус курс сифатида шаклланган эди.

Бу эса Президентимиз томонидан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши асло тасодиф бўлмагани, балки камида 15 йил илгариёқ Ўртбошимиз тафаккурининг маҳсули сифатида пайдо бўлиб, энди амалга оша бошланганини исботлайди.

Аслида, миллий гоё ҳам, Ҳаракатлар стратегияси ҳам, бирор бир партия эмас, балки ҳамма партиялар ҳамда “Юксалиш” умумхалқ ҳаракатининг бош мезонлари ва жамиятимиз ҳаётининг умумий таъминлиларини яхлит ифодалайдиган таянч асослардир. Уларга нисбатан тор, партиявий ёндашувлар ўзини оқламайди ва амалиётга фойда келтирмайди.

ХДП вакиллари “Бозор иқтисодиёти бизга тўғри келмайди” қабилидаги фикрлари ҳам ана шундай тор партиявий қарашларни ифодалайди. Агар “бизга” дейилаётганида фақат ХДП назарда тутилаётган ва фақатгина унга хос партиявий ёндашув, шу асосдаги таъминлиларга асосланилаётган бўлса, бу бошқа гап. Бошқа масалаларда ҳам ҳар бир партиянинг ўз дастурий ёндашуви борлиги демократик ҳаётнинг фикрлар ранг-баранглиги ҳақидаги қоидага мослиги нуқтаназаридан, эҳтимол, бунга бегоҳат бўлмаслигимиз керакдир? Аммо бозор иқтисодиётининг жаҳондаги барча ривожланган мамлакатлар тараққиётини таъминлаётган омил эканини назардан қочираётган ХДП мафкурачиларининг бу позицияси асоссизлигини яна бир бор эслатиш ҳам партиявий бурчимиз эмасми?!

Ҳуллас, O’zLiDeP мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига доир партиявий фаолиятда мазкур масалаларнинг моҳиятини тўғри англаш ва улар билан боғлиқ энг муҳим ва умумий жиҳатларга алоҳида диққат-эътибор қаратиш тарафдоридир. Партиямиз бундай умумхалқ аҳамиятга молик ва бутун жамият ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли муҳим масалаларга енгил-елпи ва тор доирада ёндашмаслик лозим деб ҳисоблайди. Масъулиятни чуқур англаш, ушбу йўналишдаги умумхалқ ҳаракатининг таркибий қисми сифатида фаол ишлаш зарурлигини асло ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Бугунги кунда эркин ва фаровон, инсонпарвар ва адолатли давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби гоёлар жамиятимизнинг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. “Юксалиш” гоёсини амалга татиққ этиш борасидаги кенг қўламли вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимиз барқарор тараққиётининг муҳим шарт бўлиб, юртимизда бир осмон остида яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар, динлар ва конфессияларга мансуб кишилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, бир сиёсий майдонда ҳаракат қилаётган партиялар вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди, албатта.

Яқинлашиб келаётган сайловлар эса, ўз навбатида, ҳар биримиздан сиёсий ҳушёрлик, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини сезиш ва бу йўлда барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юкланганини чуқур англашни талаб қиладди.

Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Холислик, ошкоралик ва ишчанлик руҳи ҳукмрон

О'zLiDeP ҳудудий Кенгашлари учун ҳисобот даври бошланди. Ортда қолаётган яқин беш йиллик муддатда сиёсий куч сифатида қандай вазифаларни бажаришга эришилди? Партиямиздан сайланган депутатлар электоратнинг ишончини оқлай олдим? Бир неча босқичларда ўтказилган турли лойиҳалар қанчалик самара берди? Аслида, бу саволларнинг жавобларини навбатдаги сайловлар натижаларидан аниқ билиб олиш мумкин бўлади, десак муболаға қилмаймиз.

ТОШКЕНТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 – 2019 йиллар давомидаги фаолиятига бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси танқидий-таҳлил руҳида ўтди. Кун тартибидagi ҳар бир масалага делегатларнинг катта масъулият билан ёндашгани, иштирокчиларда дахлдорлик ҳисси ҳар қачонгидан ҳам яққолроқ намоён бўлгани эътиборга лойиқ. Буни анжуманни кузатиш

ютуқлар ҳам талайгина. Бунда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги 20 нафар депутатимизнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ҳисобот даврида О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан 204 та эшитув ўтказилган бўлса, шундан 173 таси туманлар миқёсида эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Жами 1725 та депутатлик сўровидан 915 таси туманлар депутатларига тўғри келиши ҳам бежиз эмас.

Конференция давомида Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссия-

ча ўтказилган 10 дан зиёд тарғибот акциялари О'zLiDePнинг ҳудудлардаги ўрта қатлам вакиллари билан яқдил эканини кўрсатди. Оммавий сайллар тарзида, расмий-чилик ва мажлисбозликдан холи бўлган бундай тадбирларнинг аксарият ҳолларда ҳақиқий байрам тусини олгани сиёсий тузилмамиз аъзолари, тарафдорлари сафини янги маслақдошлар ҳисобига янада кенгайтириши турган гап.

Муҳокамаларда сўзга чиққан меҳнат фахрийси Бехбуд Жумаев, Олий Мажлис Сенати аъзоси Тохир Бахронов, "Мард ўғлон" Давлат мукофоти соҳиби Муҳаммад Ҳайдаров, партия Олот туман Кенгаши раиси Чиннигул Қувондиқова, партиянинг Бухоро шаҳар Кенгаши раиси Жонибек Матниёзов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда вилоят партия ташкилоти Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳам ҳисоботи тингланди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, О'zLiDeP сьезидига Бухородан делегатлар сайланди.

ЖИЗЗАХ

О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши конференциясида ҳудудий партия ташкилоти раҳбари Эркин Холматовнинг ахбороти эшитилди.

Ўтган давр мобайнида О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими томонидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. 2015 – 2019 йиллар давомида жами 837 та, шундан вилоят Кенгашида 74 та ва туман (шаҳар) Кенгашларида 763 та эшитув ташкил этилди. Депутатлик сўровлари ҳам 2009 – 2014 йилларга нисбатан анча кўп бўлди. Энг муҳими, бу сўровларнинг аксариятида қўтарилган муаммолар ўз ечимини топганидир.

Вилоятда партия фаоллари кириб бормаган маҳалла, корхона, ўқув даргоҳи қолмади, десак муболаға бўлмайди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқотга киришиш, камчиликларни ишлон қадар жойида ҳал қилиш доимий иш усулларидан бирига айланди. Бироқ кўлга киритилган ютуқлар хотиржамликка эмас, балки янги марраларни забт этишга ундаши лозим. Сўнгги йилларда шитоб билан ҳаётимизга кириб келаётган янгиликлар юртдошларимиз онгу тафаккурининг ўзгаришига, дунёқарашининг юксалишига сабаб бўлди. Бу эса доим ҳаётда бир қадам олдинда юришга интилуви маслақдошларимиз олдида янгича вазифаларни қўймоқда.

Анжуманда сўз олган бошқа делегатлар ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда партиянинг ўрни, тадбиркорлар ва ишбилармонлар сафини янада кенгайтириш, жойларда мавжуд муаммоларни партиявий воситалар билан ечишда қатъийлик кўрсатиш, одамлар дардига дармон бўлишга интилиш, электорат ва кенг жамоатчиликнинг ишончини қозонадиган асосий восита эканини таъкидлади.

Ўзаро фикр алмашув, очик мулоқот, қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган анжуманда партия вилоят Кенгаши аъзолари таркиби ҳамда партиянинг навбатдаги сьезидида иштирок этадиган делегатлар сайланди.

НАМАНГАН

О'zLiDeP Наманган вилоят Кенгашининг конференциясида таъкидландики, ўтган йиллар мобайнида ҳаракат дастурида белгиланган асосий йўналишлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари самарали амалга оширилди. Бунда асосий эътибор ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда партия депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятини кучайтиришга қаратилди.

Бугунги кунда Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашида 24 нафар, маҳаллий кенгашларда 140 нафар, жами О'zLiDePдан сайланган депутатлар сони 164 нафарни ташкил этмоқда, – дейди партия вилоят Кенгаши бўлим мудири О.Махмудов. – 2015 – 2019 йиллар давомида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан 56 маротаба, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан эса 828 маротаба йўналишлар ўтказилди. 1000 дан ортиқ масала юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Бу йилги сайловлар илк бор Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтади. Бу эса ушбу сайловга бошқа сиёсий партиялар қатори О'zLiDeP ҳам, унинг барча бўғинларидаги аъзолари, электорат вакиллари ҳам жуда жиддий ёндашишларини талаб этади. Зеро, бугунги масалалар ижроси ҳар бир партия аъзосидан катта куч ва салоҳият талаб этади. Тадбирда алоҳида қайд қилинганидек, кейинги ярим йил давомида асосий эътибор партия тузилмаларини бўлажак сайловга муносиб тайёрлашга қаратилди. Партия аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлари сони сезиларли даражада ошди. Партия сафида фермерлар, тадбиркорлар сони кўпайди.



– Конференцияда камчилик ва муаммолар ҳақида ҳам фикр юритилди, – дейди О'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби Юлдуз Юлдашева. – Жумладан, электорат манфаатлари учун хизмат қиладиган қонун ва қарорлар, дастурлар ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларда таъсирчанликка, самарадорликка эришиш, бунда янги ва илғор сиёсий технологиялардан фойдаланишга етарли даражада эътибор қаратилмагани, БПТлар билан депутатлар, жамоат ташкилотлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмагани, айрим депутатларда ишчанлик, фаоллик етишмагани, депутатлик гуруҳлари томонидан доимий комиссия йиғилишларига, сессияларга масала киритишда ташаббускорлик сезилмагани таъкидланди.

ҚАШҚАДАРЁ

О'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгашининг конференциясида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари, тадбиркор ва фермерлар, ёшлар иштирок этиди. Анжуманда партия вилоят Кенгашининг 2015-2019 йиллардаги фаолияти бўйича мазкур кенгаш раиси Шухрат Турсуновнинг ҳисоботи эшитилиб, галдаги устувор вазифалар ҳақида сўз борди.

– Кейинги йилларда юртимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсирини кучайтиришнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди, – деди маърузачи. – Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг 7 февралда "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг қабул қилиниши барча пар-

73 мингдан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

– Президентимиз ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш учун қилинаётган хайрли ишларга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида туман марказидан 5 километр масофада 100 ўринли НМТМ қуриш учун бизнес лойиҳа тайёрладим, – дейди "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг республика босқичи 3-ўрин соҳиби, "Шоира Шукуровна" хусусий корхонаси раҳбари Шоира Ҳайдарова. – Аммо молиявий кўмак олишда бироз қийинчиликка дуч келдим. Яққабот туманидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи кўмаги билан кредит олиб, қисқа фурсатда муассасани ишга туширдим. Ҳозир "Хўжайилор", "Ибн Сино", "Ёшлик" МФЙлар ҳудудида яшовчи аҳолининг 89 нафар болажонига билим ва тарбия бераймиз. Барча ютуқларимга партияимизнинг мадади билан эришганимни мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Дарҳақиқат, ўтган даврда воҳанинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган 200 нафардан ортиқ ишсиз аёл тадбиркорликка жалб этилиб, уларга 3,5 млрд сўм кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам берилди. Натижада 600 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. "Соғлом оила – мустаҳкам оила" лойиҳаси ижроси доирасида 44 мартаба бепул тиббий кўриклар ташкил этилиб, 11 600 нафар хотин-қиз саломатлиги кўздан кечирилиб, аниқланган касалликлар бўйича шифохоналарга йўлланмалар берилди.

Депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудларда кечаётган ислохотларга ҳалал бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни



тияларга ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда жуда кенг имконият ва қулайликлар яратди. Ҳар қандай сиёсий куч учун сайлов натижалари илгари сурилган ғоя ва мақсадларнинг жамият ҳаётида қай даражада ўрин эгаллашини билдиради. Биз демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий-либераллаштириш бора-сидида вазифаларни амалга оширишни энг устувор вазифа, деб танлаб олганмиз.

Ҳисобот даврида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш, интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган 1300 та тадбир, давра суҳбати, учрашув, семинар-тренинг ва танловлар ўтказилди. "Ёш инновациячи", "Парламентда менинг ўрним", "Сен ҳам фаол ёшлар сафидасан", "Хавфсиз интернет", "Янги авлод кадрлари" каби махсус лойиҳаларда эса 20 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этиб, сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-иқтисодий билим ҳамда кўникмаларини оширдилар. "Янги авлод кадрлари" лойиҳаси билан 3 мингдан зиёд талабалар қамраб олинди. "Ёш фермер" республика кўрик-танловида вилоятнинг кўплаб ёшлари қатнашиб, 2015 ва 2017 йилларда республика босқичида фахрли ўринларни кўлга киритишди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида 1433 га яқин партиявий тадбир ва махсус лойиҳа ташкил этилди. Уларда

аниқлаш, очик, ошқора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, тақлиф этиш ишлари давом этмоқда. Ўтказилган 839 та мансабдор шахслар эшитувининг 253 таси хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш масалаларига қаратилди. Тадбиркорлар ва фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 2957 та депутатлик сўрови мутасадди ташкилотларга юборилди ва асослантирилган тушунтиришлар олинди.

Конференцияда сўзга чиққанлар О'zLiDeP илгари сураётган ғояларнинг бошқа сиёсий партияларникидан афзал ва устувор томонларини исботлаш, О'zLiDePнинг дастурий вазифаларини танқид қилаётганларга аниқ ва ҳаққоний жавоб қайтариш учун сайлов кампаниясига янги қиёфаларни, аниққаса, салоҳиятли ёшларни жалб этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Конференцияда О'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши аъзолари ва Назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди. Шунингдек, О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдаги сьезидига делегатлар сайланди.

Партиянинг бошқа ҳудудий ташкилотларида ҳам ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида О.УРАБОВ тайёрлади.



ва унинг ишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун келган журналистлар ҳам эътироф этишди.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаровнинг маърузаси ҳам аввалгилардан фарқ қилди. Аввал ижобий ишлар қисқатгина санаб ўтилган, кейин қийёсий рақамлар танқидий-таҳлилий руҳда келтирилди. Муҳокамаларда кўпроқ камчиликларни бартараф этишнинг самарали усуллари, истиқболли таклифларга вақт ажратилди.

Маълумки, ҳар қандай партиянинг асосий таянчи унинг бошланғич ташкилотидир. Сабаби, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда фаолият юритаётган, бевосита одамлар билан ишлайдиган, уларни партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида бирлаштирадиган тузилма айнан куйи бўғиндир.

Пойтахтимизда 2015 йилда БПТлар сони 1100 тани, партия аъзолари сони 41217 нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 октябр ҳолатига БПТлар 1376 тага, аъзолар 82258 нафарга етди. Бу эса ҳисобот даврида партия аъзолари сони 41041 нафарга, БПТлар сони 276 тага ошди деганидир. Ҳудудий партия ташкилоти томонидан сайловдан сайловгача жами 6380 та тадбир ташкил этилган бўлиб, улар орқали 662 843 нафар маслақдош қамраб олинди.

– Тўғри, муваффақиятларимиз ва салмоқли натижаларимиз ҳақида анча гапириш мумкин, – деди Т. Назаров. – Аммо туман кенгашлари фаолиятида баъзи нуқсонлар ҳамон сақланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу камчиликлар, аввало, ижро интизомининг сустлиги, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини кучайтиришга етарли эътибор қаратилмаганида кўзга ташланади. Тарғибот ҳақида гап кетганда, албатта, партияимизнинг ягона наشري – "XXI as" ижтимоий-сиёсий газетаси имкониятларидан қандай фойдаланаялмиз, деган савол ҳам ўртага қўйилиши табиий.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида О'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 350 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Жойларда тадбиркорларнинг дардини эшитиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги

си аъзолари, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг навбатдаги сьезидига пойтахтдан делегатлар сайланди.

БУХОРО

О'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши конференциясида туман ва шаҳарлардан делегатлар билан бирга Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят Кенгаши, Ёшлар иттифоқи ва "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бўлими мутасаддилари, тадбиркорлар, фермерлар иштирок этишди.

Анжуман аввалида О'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси Фармон Аминовнинг 2015 – 2019 йиллар давомида партия ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар хусусидаги ҳисоботи тингланди.

– Бугун биз сайловчиларимизга, партияимиз тарафдорларига ўтган давр мобайнида белгиланган режалар бўйича қандай аниқ натижаларга эришганимизни рўй-рост айтишимиз зарур, – деди маърузачи.

Аёллар ва Ёшлар қанотлари томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган муҳим ишлардан бири – тадбиркорликни бошлаш арафасида турган хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлардир. Орадан ўтган 5 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган 455 нафар аёлга тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилишида партия яқиндан ёрдам берди. Тадбиркор ёшлар партиянинг жами 25 та истиқболли лойиҳаларида фаол иштирок этиб, қўзланган натижаларга эришди. "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида қатнашган 120 нафар талабага умумий миқдори 1 млрд. 67 млн. сўмлик кредит маблағи берилди.

Партиянинг устувор қақириқларидан бири – "Биргаликда биз кучмиз" шиори остида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида турли ёшдаги кишилар иштирокида шу кунга-



Қарор ва ижро

Янги қурилган, чирой-
ли пардозланган уйда
яшаш кимга ёкмайди?!

Бундай мактабда
ўқиш, боғчада тарбияла-
ниш-чи?!

Текис, силлиқ ва озода
кўчаларда болажонла-
рингиз қўлларидан ту-
тиб сайр қилиш, ишга
отланиш ва қайтишда
шундай йўллардан
юриш-чи?!

Албатта ёқимли. Бу
инсониятга хос хоҳиш.
Инсон нафақат яшаш
жойини, балки тева-
рак-атрофини ҳам гўзал
қиёфада кўргиси, ундан
баҳра олгиси келади.



“Обод қишлоқ” зўр экан

Президентимизнинг “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан жорий йилда мамлакатимизда 478 та қишлоқда таъмирлаш, реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Эп-ликқалъа туманида ҳам айни дастурга кўра қишлоқ ва овулларда ижтимои-он объектлар, йўллар, уй-жойлар таъмир-ланмоқда. “Қиличчиноқ”, “Қирққиз” ва “Кичик Гулдурсун” маҳаллаларида обо-донлаштириш ишлари авжида. Че-ка овулларга тоза ичимлик суви учун тармоқлар келтирилиб, туман маркази Бўстон шахрида сув тозалаш иншоот-лари барпо этилмоқда.

Бунақаси бўлмаган

– Туманимиз асосан боғдорчилик, ипакчилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ҳудудлардан ҳисоланади, – дейди **Элликқалъа тумани ҳокимининг ўринбосари Азимбой Қурбонов**. – Айни пайтда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бора-борада туризмни ривожлантириш ҳамда сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида ҳам хайрли ишлар йўлга қўйилди. Яқин ўн-ўн беш йил ичيدا овул ва қишлоқларимиз бундай кўркамлик касб этмаган, эътибор берилмаган эди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижил ислохотлар натижасида халқимиз турмуш даражаси янада яхшиланяпти. Дастура асосан ноқонуний қуриламалар бузилмоқда, кўчаларга асфальт қопламалар ётқизилмоқда. Электр ва газ тармоқлари янгиланмоқда, – дейди суҳбатдошимиз сўзини давом эттириб. – Ногиронлиги бор ва ижтимоий аҳоли ночор оилалар учун майдони 2 сотихдан иборат бўлган 3 хонали 24 та арзонлаштирилган ўй-жойлар қуриляпти.



Сураатда: (чапдан ўнга) иш юритувчи Умид Матчанов, "Бўстон мини транс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қамарабдин Мамбетов ва лойиҳалар техник назоратчиси Анвар Тлеумуратов.

Кўплаб ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Бу борада моҳир ва қўли гул қурувчиларнинг салмоқли ва самарали меҳнати учун ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди.

бошчилигидаги “Бўстон мини транс” масъулияти чекланган жамияти ва унга ёрдамчи пудратчи “Нодира илмира” масъулияти чекланган жамияти бино-корлари жонбозлик кўрсатишди. Йиллар давомида жорий таъмирлаш билан кифояланиб келинган қишлоқ оилавий поликлиникасида ҳам айна вақтда ишлар қизғин. Ундаги ром, эшик, иссиқлик тизими ва коммуникация тизими буткул янги-ланмоқда. “Бўстон сув қурилиш” хусусий корхонаси қурувчилари мазкур тиббиёт масканининг гўзаллигига ўз ҳиссаларини қўшаётганларидан мамнун.

Бундан ташқари, инвестицион дастурга кўра овулдаги 16-мактаб реконструкция қилинди. Бу ерда курувчилар 2 миллиард 100 миллион сўм эвазига қўшимча ўқув биноси барпо этишди. Шу каби бунёдкорликка оид янгиликлар "Қилиchino" ҳамда "Кичик Гулдурсин" маҳалласида ҳам рўй бериб, у ерда мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш объектлари созилаб, ички йўл, сув, газ, электр тармоқлари янгиланмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама хукукида

Эскирган боғча-мактаблар қолмаяпти

Қирққиз овулидаги 100 ўринли 13-мактабга таълим ташкилоти капитал таъмирланди. Бу ерда "Қирққиз-махсуқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. 19-мактабга таълим муассасаси жуда таъмирталаб ва фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келган эди. "Обод қишлоқ" дастури асосида бола-жонларнинг ушбу маскани барча шароитлар яратиб берилган обод масканга айланди, бир сўз билан айтганда, асл замонавий қиёфга эга бўлди.

120 ўринли 44-ўрта мактаб биноси ҳам капитал таъмирланди. Ахир, оз эмас, нақ 1 миллиард сўмлик маблағ эвазига ром, эшик, бинонинг фасад қисми, ис- сиклик тизими янгиланди. Ўшбу юмуш- ларни тез ва сифатли амалга оширишда мохир қувучи **Қамараддин Мамбетов**

"BEST REALTOR"

ПОЙТАХТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб
бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион
савдоларига таклиф этади!**

Савдога O'zbekiston Respublikasi Tashqi Iqtisodiy Faoliyat Milliy Banki Тошкент вилоят бўлимининг 2019 йил 28 октябрдаги №ММ-02/4473-сонли буюртмамома-сига асосан, O'zbekiston Respublikasi Tashqi Iqtisodiy Faoliyat Milliy Banki Тошкент вилоят бўлимига тегишли умумий бошланғич нархи 15 046 405 296, 85 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, "Бўстон" МФЙ Амир Темури кўчаси-да қурилган 22 ва 23-сонли 2 та 5 қаватли уйларида жойлашган куйидаги тижорат майдонлари ва хонадонлар алоҳида лотларга ажратилган ҳолда қўйилмоқда:

Ипотека кредити шартлари: 15% бошланғич бадални шакллантирган ҳолда 15 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр кўлаб, 16% устам тўлаша шарти билан.

Сотувчи томонидан белгиланган савдо шартларига мувофиқ агар аукционга қўйилган лотга қўтилаётган аукцион савдосидан олдин буюртмаларни қабул қилишнинг охири муддатига қадар фақат битта талабгор томонидан буюртма топширилса, аукцион ўтказилмасдан хонадонлар автоматик тарзда бошланғич баҳоси бир қадамга оширилиб, оферта усулида сотилади.

Аукцион савдоси 2019 йил 29 ноябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 28 ноябрь кuni 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 29 ноябрь кuni савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар пайшанба кuni 2020 йил 12 мартга қадар соат 14:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш такрорий савдо кунларидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнаши-
ши учун қонун ҳужжатларида белгилан-
ган тартибда расмийлаштирилган, унинг

шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жиёмини шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдирिशномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичиди сатувчи билан олий-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидорга шартномага мувофиқ сотиб олиш тўловларини тўлаш юклатилади.

Талабдорлар объект бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотичиси "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги x/p: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580 тўлайди.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган,
савдода қатнашиш учун буюртмалар
қабул қилинадиган ва савдо
ўтказиладиган манзил:**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Истифбол йўлиси, 34-й

Телефон: (97) 718-84-48.

Сайт: www.mailto:rieltsavdo@inbox.uzemulk.uz

электрон почта: emulkuz@mail.ru

Лицензия RR-0225.

ЛОТ№	Жойлашган кавати	Хоналар сони	Майдони кв.м.	Банкнинг тақлиф нархи		
				1 кв.м. майдон баҳоси (сўм)	Умумий нархи (ҚҚСсиз) (сўм)	Умумий нархи (ҚҚС билан) (сўм)
1	22-уйнинг 1 кавати	тижорат майдони	540,98	5 238 000,00	2 833 653 240,00	3 258 701 226,00
2	23-уйнинг 1 кавати	тижорат майдони	547,84	5 238 000,00	2 869 585 920,00	3 300 023 808,00
	22-уй	жами	1088,82		5 703 239 160,00	6 558 725 034,00
3	2-кават	3	67,58	3 265 432,93	220 677 957,34	
4	2-кават	3	66,81	3 265 432,93	218 163 573,99	
5	2-кават	2	57,24	3 265 432,93	186 913 380,86	
6	2-кават	2	56,88	3 265 432,93	185 737 825,00	
7	2-кават	3	67,31	3 265 432,93	219 796 290,45	
8	2-кават	3	67,35	3 265 432,93	219 926 907,77	
9	3-кават	3	67,58	3 173 878,80	214 490 729,30	
10	3-кават	3	66,81	3 173 878,80	212 046 842,63	
11	3-кават	2	57,24	3 173 878,80	181 672 822,51	
12	3-кават	2	56,88	3 173 878,80	180 530 226,14	
13	3-кават	3	67,35	3 173 878,80	213 760 737,18	
14	3-кават	3	67,31	3 173 878,80	213 633 782,03	
15	4-кават	3	67,58	2 929 733,87	197 991 415,20	
16	4-кават	3	66,81	2 929 733,87	195 735 520,12	
17	4-кават	2	57,24	2 929 733,87	167 697 966,95	
18	4-кават	2	56,88	2 929 733,87	166 643 262,75	
19	4-кават	3	67,31	2 929 733,87	197 200 387,06	
20	4-кават	3	67,35	2 929 733,87	197 317 576,41	
21	5-кават	3	67,58	2 838 179,75	191 804 187,17	
22	5-кават	3	66,81	2 838 179,75	189 618 788,76	
23	5-кават	2	57,24	2 838 179,75	162 457 408,60	
24	5-кават	2	56,88	2 838 179,75	161 435 663,90	
25	5-кават	3	67,35	2 838 179,75	191 151 405,83	
26	5-кават	3	67,31	2 838 179,75	191 037 878,64	
		жами	1532,68		4 677 442 536,59	
	23-уй					
27	2-кават	3	67,58	3 265 432,93	220 677 957,34	
28	2-кават	3	66,42	3 265 432,93	216 890 055,14	
29	2-кават	2	57,24	3 265 432,93	186 913 380,86	
30	2-кават	2	56,88	3 265 432,93	185 737 825,00	
31	2-кават	3	66,78	3 265 432,93	218 065 611,00	
32	2-кават	3	67,31	3 265 432,93	219 796 290,45	
33	3-кават	3	67,58	3 173 878,80	214 490 729,30	
34	3-кават	3	66,42	3 173 878,80	210 809 029,90	
35	3-кават	2	57,24	3 173 878,80	181 672 822,51	
36	3-кават	2	56,88	3 173 878,80	180 530 226,14	
37	3-кават	3	66,78	3 173 878,80	211 951 626,26	
38	3-кават	3	67,31	3 173 878,80	213 633 782,03	
39	4-кават	3	67,58	2 929 733,87	197 991 415,20	
40	4-кават	3	66,42	2 929 733,87	194 592 923,91	
41	4-кават	2	57,24	2 929 733,87	167 697 966,95	
42	4-кават	2	56,88	2 929 733,87	166 643 262,75	
43	4-кават	3	66,78	2 929 733,87	195 647 628,11	
44	4-кават	3	67,31	2 929 733,87	197 200 387,06	
45	5-кават	3	67,58	2 838 179,75	191 804 187,17	
46	5-кават	3	66,42	2 838 179,75	188 511 898,66	
47	5-кават	2	57,24	2 838 179,75	162 457 408,60	
48	5-кават	2	56,88	2 838 179,75	161 435 663,90	
49	5-кават	3	66,78	2 838 179,75	189 533 643,37	</

Бошланиши 1-саҳифада.


Ҳар тўқисда бир айб деганлари ростга ўхшайди. Бўлмаса, шундай доврғли бозорнинг асосий олд дарвозаси қаёққа кетди, деган ҳақли саволга бугунгача жавоб топиладими-да. “Ишонасизми, ўзи шу туманда туғилиб ўсган, энди собиқ вилоят ҳокими неча марта Китобга келган бўлса, оддий одамлару кўпни кўрган нуронийлар ва тадбиркорлар ҳам лойиҳада йўл қўйилган бу кўпол хатоликни тузатиш кераклиги ҳақида бир неча марта муножират этишса-да, афсуски, фойдаси бўлмади. Энди эшитяпмизки, дарвозанинг ўрни ҳам сотилган бўлиб чиқяпти-да”, дейди маҳаллий ишбилармонлардан бири надомат билан...

Дарвоза бўлмаса, ана, ер ости йўли ва икки-учта дўкандан одамлар кириб

чиқяпти-ку, қолаверса, орқа тарафдаям йўл бор, деган баҳонасиёнам тайёр мутасаддиларнинг. Лекин бугун ер ости йўлаги ер устидан кўра гавжумроқ, десак ишонарсиз. Сабаби, туннел турли-туман савдо расталари учун(суратларни қаранг) ўзбошимчалик билан тарқатилган(албатта, текинга эмас!)ига нима дейсиз? Худо кўрсатмасин, бозор ичкарисини ё ер ости йўлида бирор фалокат рўй бергудек бўлса, “Тез ёрдам” ҳам, ўт ўчирувчилар ҳам ҳеч қаёққа ўтолмайди! Чала-чулпа битиб-битмаган бинолар, чор атрофдаги чиқинди уюмлари, бозордаги тартибсизлик... алоҳида мавзу!

Ҳозирча Китобдаги каттакон бозор дарвозасининг сирли равишда йўқолиб қолганига ойдинлик киритишни вилоятнинг янги ҳокимига ҳавола қилайлик-чи?!

Жўра САЪДУЛЛА



Илм аҳлига “Scopus” нега керак?

Кейинги уч йилда мамлакатимизда олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига, инновацион илмий ишланмаларга асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларини ривожлантириш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқлангани бу борадаги ишларни тамомла янги босқичга олиб чиқди. Мазкур концепцияда олий таълим тизимини жадал тараққий эттиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Хусусан, тадқиқотлар аниқладорлигини ошириш, ёшларни илмий изланишларга кенг жалб этиш, фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш мақсадида олий таълим муассасалари журналларининг “Scopus”, “ScienceDirect” ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш назарда тутилган. Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлат жисмоний

тарбия ва спорт университетидида илмий инновациялар бўйича узоқ ва қисқа муддатта мўлжалланган аниқ режалар ишлаб чиқилган. Илмий мақолалар тайёрлаш ва нуфузли нашрларда чоп этириш бўйича семинар-тренинглар изчил ташкил этиляпти. Бу борада танikli халқаро компаниялар билан алоқалар мустаҳкамланяпти.

Бугун жаҳон миқёсида тўртта йирик илмий нашриёт уйи фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан бири, шубҳасиз, “Elsevier” компаниясидир. Бир йил давомида бутун дунё бўйича чоп этиладиган илмий мақолаларнинг чорак қисми ана шу компанияга тегишли илмий журналларда нашр қилиниши унинг қамрови ва нуфузига яққол далилдир. 1880 йили Амстердам (Нидерландия) да асос солинган мазкур нашриёт уйи ўнлаб минтақа ва мамлакатларда филиалларига эга. Марказий Осиё ҳам



бундан мустасно эмас. Республикамиздаги кўплаб давлат ва нодавлат муассасалар “Elsevier” билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, Бош прокуратура академияси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамкорлик меморандуми имзолаган. Замон талаби бўлган ушбу жараёндан олий ўқув юрларининг илмий-педагогик жамоаси ҳам четда қолаётгани йўқ.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида “Elsevier” компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Алия Оспанова, Ўзбекистондаги миллий координатори Дилноза Алланазарова билан учрашув ўтказилди. Университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилари илмий нашрлар соҳасидаги халқаро экспертлар билан очiq мулоқотга киришдилар. Таълим ва илмий-тадқиқотчилик фаолияти борасидаги алоқаларнинг асосий йўналишлари хусусида суҳбатлашилди. Магистр ва докторантлар учун “Халқаро стандартлар асосида илмий мақолалар тайёрлаш” мавзусида маҳорат машғулоти ўтказилди. Юқори рейтингли нуфузли журналларда чоп этиладиган мақола-

ларни тайёрлаш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Маълумот ўрнида: шу йил октябр ойининг бошида “Elsevier” компанияси томонидан “Uzbekistan Research Online” – Ўзбекистон Республикасининг илк рақамли рецензияланадиган илмий журналлар онлайн платформаси яратилди. Муҳими шундаки, бу платформа “Scopus” мезонларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий ишлар бўйича проректори Рашид Маткаримов ва “Elsevier” компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Алия Оспанова ўртасидаги музокараларда “Фан – спортга” илмий-назарий журналининг савиясини кўтариш, замон талабларига мослаштириш ва нуфузли рейтингларга киришини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда фикр алмашилди. Бу эса “Scopus” халқаро стандартларига интеграциялашиш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

О. РАЖАБОВ,
“XXI asr” мухбири

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

Компенсация:

Музработ ва Шеробод туман ҳокимликларидан тадбиркорлик субъектлари фойдасига 797 миллион сўм ундирилади

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, авваламбор, инсон, унинг шаъни ва ҳаёти, шунингдек, унга фаровон турмуш кечирishi учун етарлича шарт-шароит яратиб беришга қаратилган.



Шунга қарамасдан барчамиз кўриб, эшитиб турибмизки, оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет саҳифаларида энг шов-шувли хабарлардан бири – уй-жой, бино ва иншоотлар олиб қўйилиши муносабати билан унинг ўрни қонуний йўл билан қоплаб берилмаяпти.

Президентимиз 2019 йил 1 августда мазкур масалада ўтказилган видеоселекторда айрим камчиликлар бўйича масъул раҳбарларни қаттиқ танқид қилиб, тегишли топшириқлар бергани бежиз эмас. Бундан келиб чиқиб, Олий суд раиси ҳам кенгайтирилган йиғилишда мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишини алоҳида таъкидлаганди.

Президентнинг 2019 йил 3 августдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатлинишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши билан бузилиши режалаштирилган турар ва нотурар кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг розилигини олиш ва ёзма келишув билан расмийлаштирилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Шеробод туманлараро иқтисодий суди томонидан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни қоплаш масаласида келиб тушган даъво аризаларда кўрсатилган ҳолатлар тегишли қонунларимизга биноан, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони талаблари асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган жамғарма билан келишилганига, яъни Юртбошимизнинг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ бузилиши режалаштирилган бино ва иншоот харажатлари баҳоланганига жиддий эътибор қаратилган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва компенсация ундириб бериш масаласида келиб тушган даъво аризалар суд томонидан кўриб чиқилиб, Музработ ва Шеробод туман ҳокимликларидан тадбиркорлик субъектлари фойдасига жами 797 126 214 сўм компенсация ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари номига қонуний, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатга эга бўлган бино ва иншоотлар бузилиши режалаштирилган тақдирда, мулкдор розилиги олинми, мулк баҳоси тўлиқ қоплаб берилгандан сўнггина давлат ва жамият эҳтиёжи учун бузилиши мумкин.

Хуршид ТУРСУНОВ,
Шеробод туманлараро
иқтисодий суди раиси.
Музаффар НОМОЗОВ,
судья ёрдамчиси.

ЭЪЛОН

“PSB Insurance” масъулияти чекланган жамияти сугурта компанияси томонидан фуқаро **Мадраимова Максуда Саттаровна** номига берилган 0010042-сонли полис бланкаси йўқолгани сабабли ўз кучини йўқотганини маълум қиламиз.



Фармон ва ижро

Реклама ҳуқуқида

Суғурта бозори ривожланиш босқичида

Президентимиз шу йилнинг август ойида икки муҳим ҳужжатга имзо чекди. “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги фармон айнан миллий суғурта бозоримизни янада ислох қилиш, жадал ривожланишини таъминлаш, хизматларнинг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига ишончини оширишга назарда тутилди. Соҳага оид тегишли идораларга мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юқланди ва аниқ муддатлари белгилаб берилди. Улардан бири “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” акциядорлик жамиятидир! Шу боис жамиятнинг бошқарув босқичида навбатдаги мабтут анжумани айни ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида компания томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан очик маълумот бериш мақсадида ташкил этилди.

Равшан НАРЗУЛЛАЕВ,
“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”
акциядорлик жамияти
бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари:



– Қарор доирасида 2019-2020 йилларда республикамиз суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган. Жумладан: суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш; суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини ҳамда тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш; суғурта хизматларининг истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, суғуртани оммалаштириш ва суғурта маданиятини ривожлантириш; суғурта хизматлари ҳақми, қўламини кенгайтириш ва суғурта хизматлари сифатини ошириш; суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш; суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш каби йўналишлар кўзда тутилган. Бу вазифаларни бажариш юзасидан компаниямиз ҳозирданок бир қатор ишларни амалга оширди. Энг муҳими, бу ислохотлардан фақат аҳоли эмас, айниқса, тадбиркорлик субъекти вакиллари жуда мамнун.



KAFOLAT
SUG'URTA KOMPANIYASI AJ

Акрам ШАРОБИДДИНОВ,
“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”
акциядорлик жамияти суғурта
бўйича директори:



– Суғурта хизматлари иқтисодий ва турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан саналади. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча катта эмас. Масалан, шу йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган. Соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11, Германияда 6, Россияда 1,5 фоиз. Асосий сабаблардан бири бизда суғурта хизматлари етарли даражада жозибдор эмаслигидир. Демак, соҳага назоратчи эмас, илгор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма кераклигини даврнинг ўзи тақозо этаётган эди. Шу боис инспекция тугатилиб, суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди. Эндиликда соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий ўқув юртида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилади. Хусусан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ходимларини соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг суғурта иши таълим йўналиши бўйича сиртки ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари пулли-контракт асосида қабул қилиш тартиби жорий этилади. Бунинг учун ходимда умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ва суғурта бозорида камида 2 йил амалий иш стажига мавжуд бўлиши зарур. Контракт эса иш берувчи – суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кафолатли туланади. Тўлов ходим – битирувчи ўқишни тамомлагандан кейин суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси шартлида 3 йил мобайнида мажбурий ишлаб бериш шарт билан амалга оширилади. Маълумот ўрнида айтишимиз жоизки, “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” ва “Chartered Insurance Institute” ўртасида музокаралар ўтказилди. Натижада юртимизда мазкур нуфузли институтнинг Тошкентда очилган имтиҳон топшириш маркази ва кейинги босқичда филиални очиб бўйича меморандум имзоланди.

Яна бир янгилик шуки, яқин кунларда суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полислар – э-полис жорий этилади. Бунда фуқароларимиз интернет, мобиль илова, инфокиосклар орқали суғурта шартномаларини расмийлаштириш имконига эга бўлади. Электрон полислар қўғоз шаклидаги суғурта шартномаларига (полисларига) тенглаштирилади.

Валижон

МАҲАМАДЖАНОВ,

“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
инновациялар ва
таваккалчиликларни бошқариш
департаменти бош менежери:



– Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойларда аҳоли билан мулоқотлар олиб бордик. Ҳозиргача Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Тижорат банклари билан биргаликда кредитларни суғурта қилиш шартномаси (кредитнинг гаров билан қопланмаган қисmini кредит қайтмаслик хатари бўйича суғурта шартномаси)ни ишлаб чиқдик. Шунингдек, тижорат банклари, “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси, Кичик бизнес ва тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги ишини мувофиқлаштирувчи автоматлаштирилган тизим ҳам яратилди. Бу тизим тадбиркор учун бир жойнинг ўзидан барча хизматларни онлайн олиш имконини беради. Сурхондарё вилоятининг Денов ва Сирдарё вилоятининг Ховос туманларида ушбу автоматлаштирилган тизим синовдан ўтказилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги билан бирга гаровга қўйилаётган мол-мулк ёки автотранспорт воситаларини суғурта қилиш, кредитларни суғурта қилиш шартномасининг турлари ишлаб чиқилди.

Нилуфар

БАҲОДИРХОНОВА,

“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”
акциядорлик жамияти ахборот
хизмати раҳбари:



– Компаниямиз соҳамизни етакчи суғурта бозорларида танитиш ҳамда халқаро суғурта оламида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида қатор ишларни амалга оширганини фахр билан айтиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон суғурта бозори иштирокчилари орасида Лондонда жойлашган “International Underwriting Association of London” халқаро ассоциациясининг ягона аъзосидир. Қолаверса, “Abu Dhabi National Insurance Company”, “Oman Insurance Company”, “Insurance House” (БАА), “Polish RE” (Польша), Lloyd’s Syndicate Canopus (CNP 4444), “Direct Insurance London Market Plc” (Буюк Британия), “Скор Перестрахование”, CAO “BCR” (Россия), “Нефтяная страховая компания” (Қозғоғистон), “Barents Reinsurance SA” (Люксембург), “Ace Insurance Pvt. Ltd.” (Ҳиндистон) ва дунёнинг бошқа нуфузли суғурта ташкилотлари билан қайта суғурта йўналишида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганимиз.

Республикага хорижий валюта олиб кириш бўйича суғурта бозорида энг юқори кўрсаткичга эга. 2019 йил 9 ойи мобайнида 2,4 миллион АҚШ долларига тенг суғурта экспорти амалга оширилди (қайта суғурта орқали хорижий рисклар қабул қилинди).

Жисмоний ва юридик шахслар билан 668 300 та суғурта шартномаси имзоланиб, 118,4 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилди, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 140,9 фоиз кўп. Суғурта мукофотлари тушумининг асосий қисми, яъни 76,4 фоизи – 90,5 миллиард сўм минтақавий филиалларимиз томонидан амалга оширилди. Компаниямиз томонидан тузилган суғурта шартномалари бўйича қабул қилинган суғурта мажбурияти ҳажми – 67,5 триллион сўм.

Ҳисобот даврида 5 732 суғурта ҳодисаси бўйича миқдорлар 24 миллиард сўмдан ортиқ суғурта қопламаси амалга оширилди. Туланган суғурта қопламаларининг асосий қисми мажбурий суғурта турларига тўғри келади. Бугунги кунда филиалларимиз тармоғи 227 тага етди: 15 та филиал, 60 та бўлим ва 152 та суғурта маркази хизмат кўрсатмоқда.

Эътиборлики, Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритаётган 30 дан ортиқ суғурта компанияларидан иқтисоди халқаро рейтингга эга бўлса, шундан биттаси “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”дир. “Fitch Ratings” халқаро нуфузли рейтинг агентлиги “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” рейтингини “BB-”, “Барқарор” истиқболлини шу йилнинг октябрь ойида қайта тасдиқлади. “SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”нинг “uzA++” (энг юқори молиявий кўрсаткич) рейтингини тасдиқлади. Рейтинглarning тасдиқланиши компаниямиз учун янги маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқалари қўламини янада кенгайтиришга имкон яратди.

“XXI asr” муҳбири

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди.

Биласизми?

Сохта дўстга алданманг

Тилшуносликда “faux amis” – “сохта дўст” тушунчаси бор. Икки ёки ундан ортиқ тилда айнан битта ёки бир хил ўзакка эга сўзлар бошқа маъно англатиши ҳодисаси шундай аталади. Сизнинг тилингиздаги бирор сўзга ташқи томондан ўхшаш сўзни эшитиб, тушунгандай бўласиз, аслида эса маъноси бошқа бўлади.

Одатда мисол тариқасида славян тиллари келтирилади – уларда “сохта дўст”лар кўп. Масалан, поляк тилида “ugoda” – гўзаллик, рус тилида “урод” – бадбашара; чех тилида “rozog” – “диққат”, рус тилида – “шармандалиқ”; поляк тилида “zapomniec” – “эсдан чиқариш”, рус тилида “запомнить” – “эслаб қолиш” ва ҳоказо.

“Сохта дўст” ҳодисасини ўзбек тилига нисбатан ҳам қўлласса бўладими? Бўларкан. Ўйлаб-ўйлаб бир нечта мисол топдим.

➤ ўзбекча “занжабил” – “имбир” (русчаси), шифобахш ўсимлик тури; тожик тилининг жанубий шеваларида “занжабил” – “қалампир”;

➤ ўзбекча “улоқ” – “эчкининг боласи”; Эрон форсчасида “улоқ” – “эшак”;

➤ ўзбекча “сабзи” – сабзавот тури, озарбойжонда “səbz” – “ўт”; ўзбекча “кўк” – “ўт”, озарбойжонча “kök” – “сабзи”;

➤ ўзбекча “чекмоқ” – “ғам чекмоқ”, “сигарет чекмоқ”; туркча çekmek – “суратга олмоқ”, “тортмоқ”, “судрамоқ”;

➤ ўзбекча “ичмоқ” – “сув ичмоқ”; туркча “içmek” – “сув ичмоқ”, “сигарет чекмоқ”;

➤ ўзбекча “ўхшамоқ” – “ўхшамоқ”; туркча “okşamak” – “силамоқ”;

➤ ўзбекча “изламоқ” – “қидирмоқ”; туркча “izlemek” – “кўрмоқ”, “томоша қилмоқ”;

➤ ўзбекча “бағишламоқ” – “бахш этмоқ”; туркча ва озарбойжонча “bağışlamak”/“bağışlamak” – “кечирмоқ”;

➤ ўзбекча “хоҳламоқ” – “истамоқ”; озарбойжонча “xahiş etmek” – “илтимос қилмоқ”;

➤ ўзбекча “тепки” – “тепиш ҳаракати”; туркча “tepkı” – “реакция”, “жавоб”;

➤ ўзбекча “тетик” – “бардам”; туркча “tetik” – “тўппонча тепкиси”;

➤ ўзбекча “нишон” – “нишон”; туркча “nişan” – “никоҳ”;


➤ ўзбекча “тиб” – “тиббийёт”; арабча “тибб” – “туширмоқ”, яъни ҳамма нарсани туширмоқ, “тиббийёт” – иккиламчи маъно.

Манба: @AsanovEldar


“MAESTRO DI PORTE” МЧЖ

● классик ҳамда европа услубидаги ●

◆ ошхона ◆ ётоқхона ◆ меҳмонхона ◆ офис учун
мебеллар ва кўркам эшикларини тақдир этади.



“MAESTRO DI PORTE” мебеллари – орзуингиздаги шохона ҳаёт!



Тошкент шаҳри
Боғишамол кўчаси 160-уй.
Юнусобод кичик саноат зонаси.

93 666 66 26

mezon_uz@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XXI
IQTIMOY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Мавлуда ХУҲАЕВА
Сирожиддин САЙИДИД

Аҳмад ШОДМОНОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@umail.uz

Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 71 281-40-17

Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” иқтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1058 Тираж: 5573

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди – 00:00

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов

томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

9 772181 497009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

123 56

Набатчи муҳрирлар:

Бекзоҳ ИСРОИЛОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.